O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# ШОИСТА АЙЁМ — НАВРЎЗ МУБОРАК!

*Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!*

1930 йил 12 майдан чиқа бошлаган

# Постда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 33 — 34 (3111—3112) 1998 йил 20 март, жума Баҳоси эркин нархда

## *МУБОРАК АЙЁМ ТАБРИГИ*

Халқимизнинг асрлар бўйи давом этиб келаётган янгиланиш, яшариш, баҳор байрами — Наврўзи олам билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимларини, фахрийларини, уларнинг оила аъзоларини, ҳамда хизмат бурчини ўташ вақтида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларини вазирлик раҳбарияти, Ҳайъати ва шахсий таркиби номидан самимий муборакбод этаман.

Азалий қадриятларимиз, анъаналаримизни ўзида намоён этган Наврўз айёми кунларида барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, эл-юрт осойишталигини сақлашдек шарафли ишларингизда улкан ютуқлар тилайман.

Наврўзнинг қадами қутлуғ келиб, юртимиздан қут-барака аримасин.

**З. АЛМАТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги.**




## ИҚБОЛ ЭШИГИН ОЧСИН

Наврўз келди, ажиб нашъу намолар келди,
Олам тўлиб хушбўй-хушбўй ҳаволар келди.
Гулга тўлган боғу роғлар, қир-адирлардан,
Юракларга малҳам бўлган наволар келди.

Замин яйраб жилғаларнинг шўх кулгусидан,
Бойчечаклар кўз очди-ку ноз уйқусидан,
Қизларжоннинг чучмомадек тиниқ юзлари,
Қизғалдоқдек лов-лов ёнди ишқ туйғусидан.

Гул-ғунчалар ёноғидан олиб бўсалар,
Не бахт, кўкнинг томчилари бир-бир томсалар.
Ярашгайдир она халқим ризқ-рўзи бўлиб,
Девор ошса сумалагу кўкат сомсалар.

Юртдошларим, Наврўзингиз муборак бўлсин,
Тугал бўлган ризқ-рўзингиз муборак бўлсин.
Сизни асло тарк этмасин баҳор севинчи,
Ҳар кунингиз эзгуликдан бир дарак бўлсин!

Чўпон бобо, яйловларинг қўйларга тўлсин,
Деҳқон бобо, хирмонларинг ойларга етсин.
Дастурхони мудом очиқ эй азиз халқим,
Топганингиз байрамлару, тўйларга кетсин.

Бошингиздан табиат бор гулларин сочсин,
Оилангиз осмонидан булутлар қочсин.
Қучоқ очиб, пешвоз чиқинг гўзал Наврўзга,
Баҳор сизга бахт-иқбол эшигин очсин!

**Зикрилла НЕЪМАТ.**

## ЭЛЧИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси ИИВда Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З.Алматовнинг АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жозеф Пресел билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув давомида томонлар икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ҳар жиҳатдан ривожланаётгани, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланиб бораётганидан мамнун эканликларини таъкидлашди. Хусусан, АҚШ Федерал тергов бюроси мутахассисларининг Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари учун фаолиятнинг турли йўналишлари бўйича семинарлар ташкил этиши амалий тус олмоқда. Бизнинг мутахассисларимиз эса Америка Қўшма Штатларида малака ошириб, меҳнат стажини ўтамоқдалар. Бундай алоқалар икки мамлакатдаги мавжуд жиноятчилик, шу жумладан, халқаро миқёсдаги жиноятчиликка қарши кураш борасидаги муаммоларни биргаликда ҳал этишга якдиллик билан киришилаётганини кўрсатиб турибди. Дўстона ўтган суҳбат келгусида янги мазмун билан бойитилган икки томонлама манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш учун замин яратилаётганини намойиш этди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси ИИВ қатор бошқармаларининг бошлиқлари, АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ходимлари иштирок этишди.

**Ўз мухбиримиз.**

## ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ — БАРЧАМИЗНИНГ ИШИМИЗДИР

*Ойлик давом этмоқда*

Пойтахтимиздаги Назир Сафаров номли 137- мактаб жамоаси ташаббуси билан ўтказилган тадбир ана шундай номланди.

Мактабнинг мажлислар зали ҳар доимдагидан ҳам гавжум бўлди. Ўқувчилар йўл ҳаракати қоидаларини, транспорт ва пиёдалар ҳаракатини акс эттирувчи фотокўргазмаларни, ўзлари тайёрлаган макетлар кўргазмасини намойиш этдилар. «Ўқитувчи-инспектор» ҳуштак чалиб йиғилганларни «Йўл ҳаракати қоидаларини биласанми?» савол-жавоб викторинаси бошланганлигидан огоҳ этди. Ўқитувчилар «инспектор», ҳайъат аъзоларининг саволларига бурро-бурро жавоб беришиб, йўл ҳаракати қоидаларига оид билимларини синовдан ўтказишди.

«Кўчада шикастланганда биринчи тиббий ёрдам қандай кўрсатилади?», «Серқатнов кўчадан ўтаётганда нималарга амал қилиш керак?», «Ўзбилармончилик қилиб кўчадан ўтиш қандай оқибатларга олиб келади?» каби саволларга жавоб берувчи саҳна кўринишлари ўқувчилар томонидан зўр қизиқиш билан кутиб олинди.

Мактабнинг ғолиб 4-Б, 5-В, 6-А синф ўқувчилари ва тадбирнинг бошқа актив иштирокчилари мактаб маъмуриятининг мақтов ёрлиқлари билан тақдирландилар.

— Ҳаракат хавфсизлиги ойлигига бағишлаб ўтказилган ушбу тадбир ҳайдовчи ва пиёданинг бир-бирига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиши, бу муносабат юқори поғонага кўтарилиши кераклиги ҳақида ўқувчиларга катта сабоқ беради, — дейди мактаб директори Холисхон Абдуғаниева. — Ўйлаймизки, ўқувчилар ота-онаси, катталар, мактаб ўқитувчилари кўрсатмаларига қулоқ тутиб, йўл ҳаракати қоидаларига доимо амал қилиб борадилар.

**Нодира НАЗАРОВА,**
**Тошкентдаги 137-мактаб ўқитувчиси.**



**Одатдагидек, баҳор байрами арафасида ички ишлар идораларида саф кўриклари ўтказилди. Милиция ходимлари ўзларининг кўркам формаси, юриши, озодалиги жиҳатидан ўрнак бўлиши лозим. Чунки, улар доимо халқ орасида, одамлар билан мулоқотда бўлишади. Шунингдек, ҳужжатлар ҳам рисоладагидек бўлиши керак.**

**СУРАТДА: Тошкент шаҳар ИИББ ходимлари саф кўригидан ўтказилмоқда.**

**А. САПАРМАТОВ олган сурат.**

## ЙИҒИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ

Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармасининг мажлислар залида навбатдаги тезкор йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят фуқароларига янги нусхадаги паспорт бериш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда айрим раҳбарлар бу долзарб масалага масъулиятсизлик билан қараётганлари кескин танқид қилинди. Шу билан бирга фуқароларнинг турар жойларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ камчиликлар санаб ўтилди ва уларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Қизғин муҳокама остида ўтган бу йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг муовини, милиция генерал-майори Б. Парпиев, вилоят ҳокимининг муовини Н. Каримов, бошқарма раҳбарияти ва вилоятдаги барча шаҳар, туман ИИБ бошлиқлари иштирок этдилар.

**С. АБДУВОҲИДОВ.**

